

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ

ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ

ДАРВИШОВ ИБРОҲИМ ЎРМАНОВИЧНИНГ

“НАМАНГАН ҚИПЧОҚ ШЕВАЛАРИ АРЕАЛИДА
УНДОШЛАРИНИНГ КУЧЛИ ВА КУЧСИЗ ПОЗИЦИЯЛАРИ”

НОМЛИ

ИЛМИЙ
МАҚОЛАСИ

НАМАНГАН - 2019

Н.А.Баскаков туркий бир бўғинли сўзларнинг фонетик тузилишини бирига тўрт моделда қиёслаш орқали туркий бобо тилнинг бир бўғинли сўзлар фонетик тузилишини тиклашга ҳаракат қилган [1.130].

Туркий тилларнинг, жумладан, ўзбек шеваларининг фонетик-фонологик тизимини фонологик назария тамойиллари асосида ўрганиш “Шарқ ва Оврупо тилшуносларининг қўлга киритган ютуқларидан бохабар бўлган” Абдурауф Фитрат, Ш.Раҳматуллаев, И.Қўчқортоев, В.В.Решетов, Ф.Абдуллаев каби тилшуносларимиз ишларида кўринади. Улар ўз ишларида туркий тиллар ва ўзбек шеваларидаги фонема ва унинг вариантлари ҳақида маълумотлар бериб, фонетик сатҳда тил ва нутқ муносабатини ёритишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, фонема ва унинг вариантлари масаласи Л.В.Шчерба, А.А.Реформатский каби олимлар қарашлари таъсирида юзага келганлиги таъкидланади [5.272-273].

Москва фонологик мактаби концепциясига кўра, сўз шаклнинг товуш томонини фарқлаш даражасига кўра фонемаларни икки позицияси – кучли позиция (максимал фарқлаш позицияси) ва кучсиз позиция (минимал фарқлаш позицияси) га ажралади.

Ўз қуршовидаги товушларнинг таъсирига кам берилган, перцептив томондан максимал дифференциал позиция фонемаларнинг **кучли позицияси** ҳисобланади.

Кучли позициядаги вариантлар иккига бўлинади: 1) асл позицион вариантлар (аллофонлар); 2) комбинатор кучсиз вариантлар (аллофонлар).

Фонемалар позицияси таснифларида маълум бир фонеманинг бир белгиси учун кучли позиция шу фонеманинг бошқа белгиси учун кучсиз бўлиши мумкинлиги айтилади [4.240-241].

Москва фонологик мактабида фонемалар сўз ва морфемалардан ажратилмаган ҳолда, уларнинг таркибий қисми сифатида қаралади ва уларни ажратишда позиция тушунчаси энг муҳим белги саналади.

А.А.Реформатский кучсиз позицияларни иккига – перцептив кучсиз (билиш томонидан) ва сигнификатив кучсиз (фарқлаш томонидан)

позицияларга ажратиб, биринчиси фонема вариацияларини, иккинчиси вариантларини ҳосил қилишини кўрсатади [6.52, 7.74-95].

Ўзбек тили ундош фонемалари учун интервокал ҳолат ва сўз охири позицияси кучсиз позиция ҳисобланади. Кучсиз ўринда, яъни позицияларда ундошлар ўзгаришга мойил бўлади.

Ундошларнинг асосий белгилари коррелятив ва коррелятив бўлмаган белгилари бўлиши мумкинлиги эътироф этилади. Камида икки фонеманинг асосий белгилари умумий бўлиб, бирида бор, иккинчисида йўқлиги билан ажралиб турадиган белги коррелятив белги ҳисобланади [3.19].

Адабий тилдан фарқли ўлароқ, шевалар таркибидаги ундошлар ўртасидаги бундай жараёнлар бошқача кечади. Ана шу фонологик белгилар шеваларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Наманган қипчоқ шевалар ареалида ҳам қуйидаги ундошлар жарангли ва жарангсиз белгиларига кўра коррелятив жуфтликлар ҳисобланади: **б – п:** [бэнэ] яқинда, аввал, [пэнэ] пона, **с – з:** [сэмэ://сэмэн] сомон, [зэмэн] замон, **ч – ж:** [чънь] чинни, [жънь] асаби, **қ – ғ:** [ғэрэм] ғарам, [қэрэм] қарам каби.

Қипчоқ шева ундошлари ўзининг коррелятив белгиларини, асосан, сўз бошида сақлаб қолади ва кучли позицияга эга бўлади. Масалан: [бэв] боғ, [бэвлык] боғлик, [пэллэпэң] полопон каби сўзларда сўз бошидаги **б** ва **п** ундошлари кучли позицияда бўлса, [кэвэп] кабоб, [сэвэп] савоб, [кътэпъм//кътөвим] китобим, [сурөвъ] суроби, [сэвъ] сопи, [тэвып] топиб каби сўзларда интервокал ҳолатда **б** ва **п** ундошлари кучсиз позицияда бўлади.

Адабий тилда жарангли ва жарангсиз белгисига кўра коррелятив муносабатга эга бўлмаган **ҳ, й, м, н, л, р, нг** каби ундош фонемалар жуфтликка кирмайдиган ундошлар ҳисобланади, бироқ Наманган қипчоқ шевалар ареалида ҳам бошқа шевалардаги каби фонемаларнинг турли факультатив вариантлари ўзаро жуфтлик ҳосил қилиб, маънога таъсир этмаган ҳолда ўзаро алмашиб кела олади. Масалан, **с – ҳ:** [этэхънькэ] отасиникига; **ш – ҳ:** [мэхъндэй] мана шундай, **ч – ҳ:** [хөвдъш] чойжўш (қумғон), [нүмэңэ] нимага каби. **Ҳ** ундоши қадимги турк тилида протеза

сифатида учраши, руник ёдгорликларида умуман учрамаслиги, ҳозирги туркий тилларнинг айримларида муқим ўринга эгаллиги, унинг шеваларида протезик мавжудлиги кузатилади. Хусусан, озарб. тили ва шеваларида: [ҳорох] ўроқ, [ҳавэс] новвос, буқа, [ҳахчъх] озар бўлмаган қиз; ўзбек адабий тилида: хўл, [ҳэры] чарчамоқ, [хурпэй] хурпаймоқ; туркман тилида: [хун] кун, вақт, [хува] кува каби. Боботил ундошларининг тараққиётининг кейинги босқич рефлекс сифатида **с, ш, ч, з** товушлари ҳозирги бошқирд, ёкут тилларида **ҳ** ўрнида қўлланади. Жумладан, ёкут тилида интервокал ҳолатда **ҳ** жарангли ҳисобланади. Бошқирд тилида: **с – ҳ:** [ҳэз] сўз, [ҳэръ] сарик, [ҳъ:з] сиз, [ҳөң] сўнг, [ҳөқър] сўқир, [бөлхә] бўлса, [ҳэв] соғ; ёкут тилида: **ш – ҳ:** [ахә] оша, егин, [къхън] қиш, [къхъ] киши, **ч – ҳ:** [нъхәх] пичоқ, **з – ҳ:** [күхун] куз каби [8.81].

Наманган ареал (жануби-ғарбий) қипчоқ шеваларида туркий ва ўзлашма сўзларнинг исталган ўрнида **с, ш, ч** ундошининг **ҳ** билан алмашинуви кузатилади: [әнәхъ] онаси, [эҳнәқэ] ана шунақа, [ҳөхчэймэ] чақчайма каби. Бундай нутқий ҳодисалар боботил унсурларининг қипчоқ шеваларидаги айрим кўринишларидан бири ҳолос. Бундан ташқари, Наманган қипчоқ шеваларида **р – л:** [дүвэл] девор; **г – й:** [түйън] тугун; **г – в:** [гүвът] каби ундошларнинг нутқ оқимида ёндош фонемалар таъсиридаги кўплаб комбинатор вариантлари учрайди. Шевада ҳам ундош фонемалар микдор жиҳатидан кўплиги учун унинг вариантлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Кучсиз позицияда коррелятив муносабатдаги жуфтликларнинг фарқловчи белгилари йўқолиши мумкин. Бундай фонологик жараён нейтрализация (мўътадиллашув) термини остига бирлаштирилган [3.19].

А.М.Шчербакнинг таъкидлашича, туркий боботил белгиларининг тил тараққиётининг ҳозирги босқичига қадар турли фонетик-фонологик ва локал омиллар сабабли товушлардаги мослик аста-секин ўз-ўзидан содир бўлади. Боботил ва айрим туркий тилларда жаранглилар ҳам жарангсиз ундошлар ҳам кучли позицияга эга бўлиб, фонологик аҳамиятга эга эмас [8.88-89].

Таққосланг:

<i>озарб. ад.т</i>	<i>турк ад.т</i>	<i>туркм. ад.т</i>	<i>тува т.</i>	<i>татар ад.т</i>	<i>ўзбек ад.т</i>	<i>Нам. қипчоқ шеваларида</i>
<i>дабан</i>	<i>тебән</i>	<i>дэбан</i>	<i>даван</i>	<i>табән</i>	тавән	<i>тэвән</i>
<i>дэйъб</i>	<i>тайъб</i>	<i>тэйъб</i>	<i>дэйъв</i>	<i>тэйъп</i>	тэйиб	<i>тэйънып</i>
<i>дүрнә</i>	<i>түрнә</i>	<i>дүрнә</i>	<i>дүрйәйә</i>	<i>дөрнә</i>	турнә	<i>турнә</i>
<i>төрпак</i>	<i>тәпрәк</i>	<i>төпрәк</i>	<i>дубурак</i>	<i>түфрәк</i>	тупрәк	<i>турпәк</i>
<i>табақ</i>	<i>табаг</i>	<i>тәбаг</i>	<i>тавак</i>	<i>табәк</i>	тәвәк	<i>тәвә://тәвәк</i>
<i>тук</i>	<i>түй</i>	<i>туй</i>	<i>дүк</i>	<i>түйк</i>	тук	<i>тук</i>

Товуш ва фонемаларнинг эволюцион таракқиётига кўра, боботил давридаги ҳолатларни сақлаган туркий тиллар масштаби мавжудлиги, чуваш, хакас, шор тилларида жарангли, лаб-лаб, портловчи оппозициядаги **б** га нисбатан унинг жарангсиз жуфти **п** ундошининг кучли позицияга эга эканлиги қайд этилади [8.93]. Масалан:

<i>хакас тилида</i>	<i>турк тилида</i>	<i>қозоқ тилида</i>	<i>ўзбек тилида</i>	<i>Нам. қипчоқ шеваларида</i>
<i>пақ</i>	<i>баг</i>	<i>бав</i>	бәғ	<i>бэв</i>
<i>пақа</i>	<i>бақа</i>	<i>баке</i>	бақа	<i>бәқә</i>
<i>палих</i>	<i>бәлък</i>	<i>балък</i>	балық	<i>бәлық</i>
<i>палта</i>	<i>балта</i>	<i>балте</i>	бәлтә	<i>бәлтә</i>
<i>пар</i>	<i>вар</i>	<i>бар</i>	бәр	<i>бәр</i>
<i>пос</i>	<i>баш</i>	<i>бас</i>	бәш	<i>бәш</i>

Бошқа туркий тилларда ҳам маълум миқдорда ҳозирги адабий меъёрдаги сўзларда анлаутда **п** қўлланиши мавжуд. Масалан:

<i>турк тилида</i>	<i>туркман тилида</i>	<i>уйгур тилида</i>	<i>ўзбек тилида</i>	<i>Нам. қипчоқ шев.</i>
<i>пус</i>	<i>пүс</i>	<i>пъс</i>	пис (яширинмоқ)	<i>пъс</i>
-	-	<i>пәлчък</i>	балчиқ	<i>бәлчық//пәлчық</i>
-	<i>палта</i>	-	болта	<i>бәлтә</i>
-	-	<i>пака</i>	бақа	<i>бәқә</i>
<i>пут</i>	<i>пүт</i>	<i>пут</i>	оёқ	<i>пут//сйёқ</i>
-	-	<i>пат</i>	бот	<i>бәт</i>
<i>бичен</i>	<i>бичән</i>	<i>пичан</i>	пичан	<i>бьчән</i>

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида **б>п**, **б>в**, **б>м** ҳодисаларининг мавжудлиги ҳам боботурк ҳамда ҳозирги туркий тилларнинг ўзига хос бўлган тавсифий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Туркий тиллардаги **м**, **р**, **л**, **н**, сонор товушлари айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, сўзнинг бошида келмаган. Сўз бошидаги **м**

ундошининг қадимги туркий *n* товушининг жаранглашиши, яъни *б* ундош товушига ўтиши, *б* товушининг сўз бошидаги *м* ундошига ўтиши натижасида пайдо бўлган-лигини таъкидлайди, ўзбек тилшунос олими, профессор Ҳ.Неъматов ва лаб ундошлари тараққиётини қуйидагича кўрсатади:

$$П > (ф) \rightarrow Б > в, в(w) \rightarrow М [2.61-66].$$

А.М.Щербакнинг эътироф этишича, боботилда жарангли ва жарангсиз ундошлар (кучли ва кучсиз позицияси) фонологик аҳамиятга эга бўлмаган. Жарангли ва жарангсиз фонологик оппозицияларга кўра, жарангсиз ундошларнинг жарангли ундошлар ўрнида, шовқинли ундошларнинг овоздорлар ўрнида ёки аксинча қўлланиши репрезентация, яъни ўрин алмашинишдир. У ҳам *м* ундоши этимологик *n* нинг шовқин ва овоздорлик белгилари – корреляциясига мувофиқ юзага келганлигини қуйидагича изоҳлайди: $П(б) \rightarrow \beta/М [8.97].$

Наманган ареал қипчоқ шеваларида ҳам айрим туркий тил ва уларнинг диалектлардагидек, адабий тилдаги кучли позициядаги *б* ундоши *м* тарзида талаффуз қилинади: [мурън] бурун, [мўйын] бўйин, [мўйинтүрүк] бўйинтурук, [мъннәрсә] бир нарса, [мъндәй] бундай, [мънчә] бунча каби. Зеро, кўпчилик туркий тилларда ҳам сўз бошидаги *б//n* ундоши этимологик аслидай қўлланса, айримларида коррелятив тарзида *м* га ўтган. Таққосланг:

<i>турк</i>	<i>озар</i>	<i>қирғиз</i>	<i>уйғур</i>	<i>хакас</i>	<i>ўзбек</i>	<i>Нам. қипчоқ шевасида</i>
<i>бъз</i>	<i>бъз</i>	<i>мъз</i>	-	<i>миз</i>	бигиз	<i>бүгүз</i>
<i>батир</i>	<i>батир</i>	<i>батыр</i>	<i>батур</i>	<i>матир</i>	ботир	<i>бәтыр</i>
<i>балта</i>	<i>балта</i>	<i>балта</i>	<i>палта</i>	<i>малта</i>	болта	<i>бәлтә</i>
<i>балчих</i>	<i>балчих</i>	-	-	<i>малчах</i>	балчиқ	<i>бәлчық</i>
<i>буйук</i>	<i>буйук</i>	-	-	<i>мүзек</i>	буйук	<i>улық</i>
<i>борсук</i>	<i>борсук</i>	-	-	<i>морсук</i>	бўрсиқ	<i>бөрсық</i>
<i>бен</i>	<i>бен</i>	<i>мен</i>	<i>мән</i>	<i>мин</i>	мен	<i>мән</i>
<i>дана</i>	<i>дана</i>	<i>музоо</i>	<i>мозай</i>	-	бузоқ	<i>бүзәв</i>

Маълум бўладики, туркий тилларнинг аксариятида ундошларнинг кучли позициясидаги этимологик боботил ундошларининг ўрта тараққиёт давридаги фонетик-фонологик хусусиятларидан айримлари сақланиб қолган. Хусусан, Наманган ареал жануби-ғарбий қарлуқ шевалари морфологик

кўрсаткичларининг айримларида ҳам қадимий тил унсурлари учрайди: *н//б*: [унақа+бас] унақа+(э)мас, [кэчэ+бас] кеча+(э)мас, *с/з/р*: [бэр+ас+тъм] бор+ар+дим, [кэл+ас+тъм] кел+ар+дим каби.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қипчоқ шевалари ундошлар тизимидаги синтагматик муносабатлар ранг-баранг ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбек шевалари ундошларини фонологик назариялар – позицион-комбинатор вариантлар, инвариант ва вариант концепциялари нуктаи назаридан ўрганиш уларнинг фонетик-фонологик структураси ва ўзига хос жиҳатларини, умуман, нутқий воқеликлар фонетикасини ўрганишдаги илмий жараёнларга асосли хулосалар беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – Москва, 1969.
2. Нетьматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 61- 66.
3. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990, Б.- 19.
4. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 240-241.
5. Нурмонов А. Танланган асарлар. II-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 272-273.
6. Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970;
7. Реформатский А.А. Фонологические этюды. – Москва: Наука, 1975. – С 74-95.
8. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Ленинград, 1970. – С. 81.